

VOLUME 2, ISSUE 1

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

KONSENSUS XALQARO JURNALI



2020

KONSENSUS XALQARO JURNALI
INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS
№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-2>

Bosh muharrir:
Chief Editor:

Jo'rayev Narzulla Qosimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Deputy Chief Editor:

Saidov Sanjar Shavkatovich
Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

KONSENSUS XALQARO JURNALI TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI
EDITORIAL BOARD OF THE INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

Alimardonov To'lqin
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Anita Sengupta
Siyosiy fanlar doktori, professor
Hindiston Respublikasi

Baydarov Erkin Ulanovich
Falsafa fanlari nomzodi, professor,
Qozog'iston Respublikasi

Farmonov Rahmon Farmonovich
Tarix fanlari doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Jo'rayev Sayfiddin
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Jennifer Murtazashvili
Siyosiy fanlar doktori, professor
Amerika Qo'shma Shtatlari

Mamadazimov Abdugani
Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent,
Tojikiston Respublikasi

Madayeva Shaxnoza Amanullayevna
Falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
Zamonov Zokir Turg'unovich
PhD, O'zbekiston Respublikasi

Nurmatova Gulsayra Asanovna
Siyosiy fanlar doktori, professor,
Qirg'iziston Respublikasi

Qirg'izboyev Muqimjon
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Qo'chqorov Vahob Hoshimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Qodirov Anvar Kaxxarovich
Falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Turayev Baxtiyor
falsafa fanlari doktori,
O'zbekiston Respublikasi

Tolipov Farxod Fazilovich
Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent
O'zbekiston Respublikasi

Vasiliy Nikulenko
Tarix fanlari nomzodi, dotsent,
Rossiya Federatsiyasi

Chander Shekhar (Chander Shekhar)
Falsafa doktori, professor,
Hindiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
To'ychiyeva Ra'no Almatovna
O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Ирисметов Бахтияр НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПОЛИТИЧЕСКОГО НА ВОСТОКЕ И ЗАПАДЕ: ОБЩЕЕ И ОСОБЕННОЕ..4	
2.Равшанов Фазлиддин АЛИШЕР НАВОЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ.....12	12
3.Акмалов Шаислам ИНДО-ПАКИСТАНСКИЙ АНТАГОНИЗМ: РАСКОЛЬНИЧЕСКАЯ ПОЗИЦИЯ ПРОТИВ ДЕРЖАВНОЙ СТРАТЕГИИ (НА ПРИМЕРЕ АФГАНСКОГО КОНФЛИКТА).....31	31
4.Шакаров Ўктам АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР...39	39
5.Иноятов Кутлуг, Маматов Улугбек ПОРТРЕТЫ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ.....47	47
6.Толипов Фарход РАҚАМЛИ ДЕМОКРАТИЯ ВА РАҚАМСИЗ ДЕМОС.....56	56
7.Мусаев Мансур ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМНИНГ МАЪНАВИЙ- СИЁСИЙ ТАҲДИД СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....65	65
8.Мажидов Шерзод К ВОПРОСУ ОБ ЭТНОПОЛИТИЧЕСКИХ АСПЕКТАХ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ.....75	75
9.Кадиров Мирсултон ГЛОБАЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....82	82
10.Агабаев Шараф ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ СИФАТИДА.....92	92
11.Кувандиков Ильяс ПУТИ БОРЬБЫ С ДЕГРАДАЦИЕЙ ДУХОВНОСТИ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ.....100	100
12.Расулов Бекзод ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ АСОСИ.....108	108
13.Мухтаров Уткиржон ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ.....114	114
14.Тўйчиева Раъно ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ: СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ (1990-2010 йиллар).....120	120
15.Курбанова Нодирабегим COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР.....131	131
16.Нуриддинов Сардор “БИР МАКОН - БИР ЙЎЛ” ТАШАББУСИДА ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....142	142

KONSENSUS CONSENSUS

Толипов Фарход,
Сиёсий фанлар доктори (PhD),
“Билим карвони” нодавлат илмий муассасаси раҳбари
E-mail: Farkhad_tolipov@yahoo.com

РАҚАМЛИ ДЕМОКРАТИЯ ВА РАҚАМСИЗ ДЕМОС

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-2-6>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили” деб эълон қилинган. Рақамли иқтисодийнинг долзарблиги аслида XXI асрда тобора илдиз отаётган “рақамлаштириш” жараёнининг акс-садосидир. Бугунги кунда COVID-19 шароитида масофавий алоқалар ҳамда умуман ижтимоий тармоқлар, роботлар ва сунъий ақли дунё бўйлаб тарқалишини тадқиқ қилиш натижасида “рақамли диктатура” ва “рақамли демократия” каби янги тушунчалар илмий муомалага кириб келмоқда. Ушбу мақолада мазкур масала Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар контекстида ва демократик назария доирасида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, ислохотлар, “тўртинчи тўлқин”, рақамли демократия, демос.

Толипов Фарход,
Доктор политических наук (PhD),
Директор негосударственного научного учреждения “Караван знаний”
E-mail: Farkhad_tolipov@yahoo.com

ЦИФРОВАЯ ДЕМОКРАТИЯ И НЕЦИФРОВОЙ ДЕМОС

АННОТАЦИЯ

2020-й год был объявлен в Узбекистане Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. Актуальность цифровой экономики, на самом деле, отражает все более углубляющийся процесс «цифровизации» в XXI-веке. Сегодня в результате исследований дистанционных связей в условиях COVID-19 и в целом глобального распространения социальных сетей, роботов и искусственного интеллекта в научной лексикон входят такие термины, как «цифровая диктатура» и «цифровая демократия». В данной статье искомая проблема анализируется в контексте проводимых реформ в Узбекистане и в рамках теории демократии.

Ключевые слова: Узбекистан, реформы, «четвертая волна», цифровая демократия, демос.

Tolipov Farkhod,
PhD in Political Science,
Director of the Non-Governmental Research Institution “Knowledge Caravan”
E-mail: Farkhad_tolipov@yahoo.com

DIGITAL DEMOCRACY AND NON-DIGITAL DEMOS

ABSTRACT

The year 2020 was proclaimed in Uzbekistan a “Year of development of science, enlightenment and digital economy”. The actuality of digital economy, reflects, in fact, the deepening process of “digitalization” in XXI-st century. Today, in the result of researches of distant communications in the conditions of COVID-19 as well as global spread of social networks, robots and artificial intelligence, such new notions are entering in the scientific lexicon as ‘digital dictatorship’ and “digital democracy”. In this article, the given issue is analyzed in the context of ongoing reforms in Uzbekistan and in the frameworks of theory of democracy.

Key words: Uzbekistan, reforms, “fourth wave”, digital democracy, demos.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.

Ўзбекистонда 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинган. Рақамли иқтисодиётнинг долзарблиги аслида XXI асрда тобора илдиз отаётган “рақамлаштириш” жараёнининг акс-садосидир. Бугунги кунда COVID-19 шароитида масофавий алоқалар ҳамда умуман ижтимоий тармоқлар, роботлар ва сунъий ақли дунё бўйлаб тарқалишини тадқиқ қилиш натижасида “рақамли диктатура” ва “рақамли демократия” каби янги тушунчалар илмий муомалага кириб келмоқда. Рақамли иқтисодиёт масаласи илм ва фан масаласи билан боғлиқ ҳолда белгиланганлиги бежиз эмасдир. Дарҳақиқат, “рақамлаштириш”нинг ўзи илм ва фан тараққиёти нечоғлик юксак даражага чиққанидан далолат беради. Боз устига, биз нафақат рақамли иқтисодиётнинг гувоҳи бўляпмиз, балки “рақамли ҳаёт”нинг аломатларини ҳам кузатяпмиз. Бу воқелик, ўз навбатида, жамиятнинг ва ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгариб боришига олиб келади деган башоратларга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда илмий доираларда демократиянинг ҳам мазмун-моҳияти ўзгариб боради ва ҳатто унинг рақамли шакли тус олади, шунингдек рақамли диктатуралар пайдо бўлади, деган фикрлар ҳам муҳокама қилинмоқда. Албатта, жаҳонда демократия ва диктатураларнинг турлари ва кучи турлича бўлганидек, уларнинг рақамли даражадаги кўриниши ва кучи ҳам бир биридан фарқланади. Ўзбекистондек ёш мустақил давлатлар учун бу жараён жиддий чақириқ бўлиб, у мамлакатнинг ҳаётини ва стратегик манфаатларини тўғри белгилашни тақозо этади. Ўзбекистонда демократия XIX-XX асрлардаги демократия қиёфасига кириб боряпти; жаҳонда эса илғор демократик мамлакатлар унинг XXI асрга ҳос бўлган мазмун ва шаклини излашга киришишган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда кечикиб бораётган демократлашувга рақамли унсурларнинг кириб келиши анъанавий демосни зиддиятли ўзгаришларга юз тутишига сабаб бўлмоқда.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.

Илмий мақолада демократик тараққиёт назариясидан келиб чиқиб қиёсий таҳлил, моделлаштириш ва умумназарий методлардан фойдаланилган. Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг шахс, жамият ва давлат ҳаётига таъсири борасида илмий хулосалар чиқарилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Демократик назария.

Бундай шароитда биз демократияни тўғри тушунапмизми, деган оддий савол туғилиши табиий ҳол ва мантиқан ўринлидир. Ўзбекистон сиёсатшунослик фанида мазкур масала ҳанузгача чуқур ўрганилмаган туюлади, чунки ҳар қандай демократиянинг де-юре ва де-факто даражалари мавжуд бўлиб, уларнинг Ўзбекистон контекстида ўзига ҳослиги кенг муҳокама қилинмаган. Демократияларнинг контексти ва нюанслари турлича бўлса-да,

уларнинг асосий унсурлари универсал ҳисобланади ва энг муҳими – демократия бу қотиб қолган ўзгармас тизим эмас ва у доим такомиллашиб боради.

Таниқли америкалик сиёсатшунос олим Роберт Даль демократик назарияга 'полиархия' атамасини киритган. Полиархиянинг хусусиятлари бу: универсал сайлаш ҳуқуқи; эркин ва барча учун адолатли сайловлар; сўз эркинлигининг кафолатланганлиги; муқобил маълумот мавжудлиги ва унга эга бўлиш имконияти борлиги; мустақил ташкилотларни (масалан муҳолиф партиялар) тузиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқи; ҳуқумат ва партияларнинг сайловчилар олдида жавобгарлиги; ҳуқуматнинг ва партияларнинг сайлов натижалари учун жавобгарлиги. Бундан кўришиб турибдики, полиархиядаги институтлар демократияни доимий жараён эканлигини акс эттиради[1].

Назариянинг ривожиди бир қатор демократик тамойиллар ишлаб чиқилди. Ҳусусан:

Партиципатор демократия – бу фуқароларнинг фаоллигини акс эттирувчи атама, яъни у фуқаролар сиёсий жараёнда, ҳусусан сайловларда нечоғлик фаол иштирок этиши ҳамда бунинг учун тегишли шароитлар шунчалик мавжудлигини кўрсатади.

Консенсус демократия – бу жамиятда муайян сиёсий қарорлар қабул қилиниши сиёсий кучларнинг ўзаро қурашида мурасага келинишига боғлиқлигини англатади.

Делибератив демократия – бу очиқ ва кенг муҳокамалар учун шароитлар таъминланганлигини акс эттирувчи атамадир.

Мажоритар демократия – бу сиёсий жараённинг кечиши ва сиёсий қарорлар қабул қилишда кўпчиликнинг иродаси устувор бўлишини акс эттирувчи атамадир.

Эгалитар демократия – бу ҳамманинг сиёсий ва фуқаролик эркинликлари формал равишда эътироф этилиши билан чекланмасдан, амалда улар нечоғлик таъминланганлигини акс эттирувчи атамадир.

Гарчи мазкур сўз бирикмаларида демократия сўзи алоҳида киритилган бўлса-да, улар ҳар хил демократияларни ифода этмайди. Ҳар бир демократик жамиятда ушбу хусусиятлар у ёки бу даражада намоён бўлади. Шунга қарамадан, айрим хусусиятларда принципиал фарқ бор. Масалан, Хуан Линц ўзининг фундаментал асариди мажоритар ва консенсус демократияларни бир-биридан қуйидагича ажратади: мажоритар тизимда ижройи ҳуқуматни ғалаба қозонган партия бошқаради; агар тизимда консенсус хусусиятлари кучлироқ бўлса, коалициялар тузилади; парламент агар бир палатали бўлса унда у кўпроқ мажоритар тизимга ҳосдир, лекин икки палатали бўлса, у консенсус демократия хусусиятларига эга бўлади[2]. Шу билан бирга Х.Линц парламентар тизими ва президентлик тизими орасидаги фарқ бугунги кунда унчалик кескин бўлмаётганлигини кўрсатди. Бунга сабаб – сайловчилар асосан партия раҳбарини (бутун партияни эмас) чиқишлари ва обрўсига қараб овоз беради, яъни бу ҳолатда худди президент сайловига ўхшаб, раҳбариятнинг персонализацияси кузатилади[3].

Менинг фикримча, сиёсатшунослар кўпинча демократиянинг сифати ва самарасини тор ёндашувда фақат сайловларга қараб баҳолайди. Бу тўғри, чунки замонавий шароитда қадимги бевосита (direct) демократия ўрнини вакиллик (representative) демократия эгаллаган. Аммо шу ерда ҳам бир тушунмовчилик яширинган, яъни: вакилликни баъзан ажратилганлик маънода тушунишади. Бошқача айтганда, фуқаро ўзидан ҳокимиятни ажратиб вакилига топширади-да ва шу билан унга ишониб “хотиржам” ўтиради. Ўзбекистонда айнан мана шу ҳолат кўп кузатилади. Ваҳоланки, асли демократия, менимча, фақат бевосита бўлади, вакиллик эса фақат демократик бошқарувнинг механизмларидан биридир. Бу дегани халқ (демос) ўз демократик табиатини унутмаслиги керак ва сайланган органга ҳам, ижройи органга ҳам “пастдан юқорига” қарамадан уларга тенг бўлиб қараши лозим.

Айнан мана шу муаммо демократиянинг либерал ва нолиберал концепцияларида ўз аксини топган. Шу пайтгача замонавий демократияларни тадқиқ қилишда шу каби назариялар ривожланиб келган. XXI аср янги илмий вазифаларни юзага келтирди.

XXI аср демократияси.

Биринчидан, технологик асрда демократия рақамли иқтисодиёт, рақамли бозор ва умуман рақамли муносабатлар таъсирида ўзгариши муқаррар. Бугун “қатта маълумотлар”

(Big data) деган янгича, рақамли мулк пайдо бўлди ва унга монополистик тарзда эгалик қилиш ҳокимиятни таъминлайди. Юваль Ной Харари ўзининг машхур бўлган китобида XXI асрда демократиянинг мазмун-моҳияти жиҳатдан ўзгариб бориши тўғрисида ташвиш билан шундай деган: “Демократия ўзининг бугунги шаклида инфор­мацион технологиялар ва биотехнологияларни бирлашиб кетишини кўтара олмайди. Ё демократия муваффақиятли равишда трансформациядан ўтади ва янги шаклни қабул қилади, ё одамлар “рақамли диктатура”лар шароитида яшашига тўғри келади”[4]. “Биз таълимни, ишни ва ҳатто қайликни танлашда тобора сунъий интеллектга ишонаверсак, - деб ёзади у, - унда инсон ҳаёти қарорлар қабул қилиш драмаси бўлмай қолади. Демократик сайловлар ва эркин бозор эса ўз маъносини йўқотади”[5].

Иккинчидан, охириги йилларда кўплаб демократик ва нодемократик мамлакатларда популист деб ном олган сиёсий кучлар кўтарилмоқда ва демократик тизимларга таҳдид солмоқда. Уларнинг XXI асрда пайдо бўлишини шу билан изоҳлаш мумкин: бир томондан либерал демократиялар куюшқондан чиқиб кетгани ва иккинчи томондан глобаллашувнинг салбий оқибатлари натижасида миллий кадриятларни ва тор маънода миллий манфаатларни устувор қилаётган кучлар ҳаракатга келган.

Учинчидан, мана шу икки воқелик – бир томондан технологик ўзгаришлар, рақамли ҳаёт, иккинчи томондан популист ҳаракатларнинг авж олиши – орасида кескин зиддиятлик мавжуд. Таҳлилчиларнинг кузатуви­га кўра, “Интернет тармоқларни иерархияга қарши кўяди, кичик эркин гуруҳлар фаолиятини бюрократиядан афзал кўради. Бу динамика икки томонли бўлиб, ё популист ҳукуматлар технологияларни ўз рақибларига қарши ишлатиб уларни заифлаштириши мумкин, ё рақамлашиш орқали кучайиб ва кенгайиб бораётган жамият популистларни ағдаради”[6].

Амалдаги сиёсий тизимларни фақат демократиялар ва автократияларга механистик тарзда бўлиб таснифлаш диалектик нуқтаи назардан нотўғри бўлади. Аслида улар шу икки кутб орасида доим орқа-олдинга силжийди ва уларда доим турли омиллар таъсирида ё демократик сифатлар кучаяди, ё автократик сифатлар.

Таниқли америкалик сиёсатшунос Сэмюэль Хантингтон замонавий демократияларни пайдо бўлишида учта келувчи ва қайтувчи тўлқинлар содир бўлганлигини кўрсатиб берган эди. Келувчи тўлқин деганда у маълум давр мобайнида бир гуруҳ мамлакатларнинг нодемократик тузумдан демократик тузумга ўтишини назарда тутган. Қайтувчи тўлқин – бу тескари жараён, яъни ёш демократик бўлган мамлакатларни нодемократик йўналишда ривожланишидир. Ҳар бир тўлқинни келишига ва қайтишига маълум омиллар сабаб бўлган[7].

Биринчи тўлқин 1828-1926 йиллар ичида содир бўлди. Бу энг узун давр бўлиб, у АҚШдаги демократик ислохотлардан бошланди ва 1-Жаҳон уруши натижасида 3 империялар ўрнида янги мустақил давлатлар пайдо бўлганига қадар давом этди. Тўлқиннинг қайтиши 1922-42 йиллар ичида содир бўлди; у асосан нацизм ва фашизм бош кўтариши ва 2-Жаҳон уруши билан боғлиқ бўлди.

Иккинчи тўлқин 1943-1962 йиларни ўз ичига қамраб олади. Бу давр 2-Жаҳон уруши иттифоқдош кучларнинг ғалабаси билан боғлиқ бўлди ва унда бир қатор Европа, Осиё ва Лотин Америка мамлакатлари демократия йўлига турди. Тўлқиннинг қайтиши 1958-75 йилларни қамраб олади; унда бир қатор мамлакатларда ҳарбий тўнтарувлар содир бўлади ҳамда мустамлакачиликдан озод бўлган бир қатор янги мамлакатларда демократик тузум заиф бўлгани учун диктатуралар ҳокимиятга келади.

Учинчи тўлқин 1974-йилда Португалияда диктатуранинг ва Грецияда ҳарбий режимнинг йўқ қилиниши билан бошланди. 1980-йилларнинг охирида совет ва социалистик тузумларнинг инкирозга учраши сабабли Шарқий Европада “баҳмал инкилоблари” содир бўлади ва демократия йўлини танлаган давлатларнинг сони янада ошади. Бу тўлқиннинг қайтиши тўғрисида Хантингтон ўз китобида фикр билдирмаган, чунки унда ҳали демократиялар сони кўпайиши тугамаган эди. Менинг назаримда учинчи тўлқин таҳминан 1990-йилларнинг ўрталарида орқага қайта бошлаган; унга халқаро терроризм таҳдиди ошиб

бориши, “рангли инқилоблар” содир бўлиши натижасида давлатлар ўз муҳофазасини ўйлаб авторитар бошқарув чораларини кучайтиргани сабаб бўлди. Учинчи тўлқин қайтиши кўпроқ собиқ совет республикаларида кузатилди.

Мен “тўртинчи тўлқин” тушунчасини таклиф этган бўлардим. Унинг олдинги тўлқинлардан кескин фарқ қилувчи хусусияти – бу янги турдаги сабаблар ва омиллардир, яъни демосни кўп жиҳатдан виртуаллашиб бориши, ижтимоий тармоқларни кўпайиши, рақамлашган муносабатларни таъсирдир. Бошқача айтганда, демократиянинг нафақат пайдо бўлиши, балки пировард натижада унинг тақдири ҳам тўлқинни кўзғатган ва уни бошқарган кучларнинг эҳтиёридаги рақамли усуллар нечоғли қўлланишига боғлиқдир. Тўртинчи тўлқиннинг аломатларини, мисол учун, Интернетда бошланган “араб баҳори”, Фейсбукдаги “жонли” сиёсий баҳс-мунозаралар ва курашлар, электрон ҳукумат ва онлайн хизматлар каби янги воқеликда кузатишимиз мумкин. COVID-19 пандемиясининг тарқалиши ва унга қарши кўрилатилган чоралар ҳам, хусусан, ҳатто олис кишлоқларда интернет ва уяли телефонлардаги иловалар нечоғли ҳаёт-мамонт масаласига айланганлигини кўрсатмоқда.

Бу тўртинчи тўлқин ҳодисаси демократияга ҳам янгича кўз билан қарашни тақозо этмоқда. Бундай янги шароитда кўплаб олимлар рақамлашган демократия ёки рақамлашган диктатура шаклланиб боради, деб башорат қилмоқда. Қизиғи шуки, мана шу тўртинчи тўлқин бир вақтнинг ўзида ҳам келувчи, ҳам қайтувчи тўлқин сифатларига эгадир, яъни демократлашув жараёни тобора мураккаблашиб бориб, ҳам имкониятлар, ҳам таҳдидлар олдида турибди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар демократик ривожланиш йўналиши ва динамикаси, демократиянинг қиёфаси қандай бўлиши ҳақида саволларни кўтаришни талаб қилиши муқаррардир.

Етиб олувчи (ёки кечиктирилган) демократия.

Ёш мустақил давлатларга нисбатан уларни ривожланган илғор давлатларга қиёслаган ҳолда, “етиб олувчи” ёки “кечиктирилган демократия” ва ҳатто “ёш демократия” деган тушунчалар ишлатилади. Шу хусусиятни эътироф этган ҳолда, Ўзбекистонда ёш демократия ХХI аср вазифаларига қанчалик тайёр? Демократия сўзининг ўзаги “демос” (яъни “халқ”) сўздан олинган. Ҳўш, бизда демоснинг аҳволи ва сифати қандай? Бунақа савол кўйилиши бежиз эмас, чунки юқорида айтилганидек, демократиянинг келувчи ва қайтувчи тўлқинлари бўлади.

С.Хантингтон ўз китобида демократлашув жараёнининг содда эмаслигини кўрсатгани ҳолда, уни шартли равишда уч босқичга бўлган: 1) авторитар режимнинг яқун топиши; 2) демократик режимнинг ўрнатилиши; 3) демократик режимнинг мустаҳкамланиши (consolidation)[8]. Мазкур жараён ўз ичига ўрганиш жараёнини (learning process) ҳам киритади, - бу демократия ҳақида билимларни, демократик кўникмаларни ва маданиятни ўзлаштириш, умуман демократик ҳаёт тарзини яратиш дегани. Гарчи ушбу уч босқич оддий, классик демократияга нисбатан айтилган бўлса-да, уларни рақамли даврга боғлаган ҳолда ўрганиш зарур.

Қизиғи шуки, ривожланган мамлакатлар рақамли демократияга ўтишни ўйлаётган бир пайтда биз классик демократияни яратиш ва мустаҳкамлашни ўйлаётганимиз ва ҳатто унга ҳам демос унчалик тайёр эмас дея, айрим таҳлилчилар ва сиёсатдонлар мавжуд воқеликни оқлашга ҳаракат қилади. Шундай ёндашувлар ҳам кўп учрайдики, гўё Ўзбекистон шарқий мамлакат бўлгани учун ғарбий демократияни қабул қилолмайди. Бу нафақат нотўғри назария, балки у ўзининг ҳақиқий муаммодан чалғитувчи мазмуни туфайли хавфлидир[9].

COVID-19 пандемияси тарқалганда ҳамма карантин шароитида ҳаёти ва ишларини давом этган бир пайтда Олий Мажлис муҳим бир қарор қабул қилади, у ҳам бўлса Ўзбекистон Евро-Осиё Иқтисодий Иттифоққа (ЕОИИ) кузатувчи сифатида кириши тўғрисида қарор бўлди. Бир қарашда бу қарор худди карантиндан фойдаланган ҳолда тезкор равишда қабул қилинган, деган тасаввурни уйғотди. Вакиллик орган – Олий Мажлис – вакилликни худдики “ҳокимият халқдан ажратилган ва парламентга бутунлай топширилган” маънода тушунгани ҳолда нодемократик қарор қабул қилди.

Мазкур қарорни демократик тарзда қабул қилинганлигини кўрсатиш учун бу масала бўйича айрим ақлий марказлар билан маслаҳатлашилганлиги тўғрисида, шунингдек Иқтисодий тадқиқотлар марказининг сўровлар натижалари тўғрисида эълон қилинди. Чунончи, Boston Consulting Group (BCG), Москвадаги Гайдар Институти ва Ўзбекистон Президент маъмурияти қошидаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг таклифлари инобатга олинган экан[10]. Аммо, биринчидан, уларнинг берган маслаҳатлари акс эттирилган материаллар чоп этилмаган, иккинчидан улар орасида бирорта маҳаллий мустақил таҳлилий марказ ва экспертлар мавжуд эмас (BCG АҚШдаги марказ, Гайдар Институти Россияда, узбекистонлик иқтисодий тадқиқот маркази эса давлат органига тегишли).

Боз устига, бу марказнинг олиб борган ижтимоий сўровлари ҳам савол туғдиради. Биринчидан, Тошкентдаги “Ижтимоий фикр” номли социологик маркази бундай сўровларни ўтказмаган, лекин социологик сўровларга ихтисослашмаган марказ ўтказибди. Иккинчидан, ЕОИИга кириш-кирмастик масаласи жуда мураккаб мавзудир, уни ҳатто экспертлар ва мутахассислар чуқур ва атрофлича ҳали ўрганмаган, қандай қилиб оддий халқ унга нисбатан муносабат билдириши мумкин? Кези келганда Харарининг Брексит сўровлари тўғрисида айтган фикрини келтириш ўринли бўлади: “...британияликларнинг аксарияти референдумда овоз бермаслиги керак эди, чунки улар иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида керакли билимларга эга эмас”[11].

Рақамли иқтисодиёт, рақамли бошқарув тизимлари, рақамли алгоритмлар ва ҳоказо ҳаётимизни ўзини рақамли ҳаётга айлантirmoқда. Рақамли ҳаётнинг бир кўриниши дунёда демократиянинг мазмун ва шаклида ҳам намоён бўлмоқда. Аммо демос рамзий маънода “рақамсиз” бўлиб қолмаяптимикин? Рақамсиз деганда мен унинг совет давридан иллат бўлиб қолган пассивлиги ва замонавий технологик талабларга сиёсий онг ва сиёсий анъана жиҳатдан мос келмаслигини назарда тутаяпман. Албатта, демос ҳам рақамли десак бўлади, чунки у ҳам рақамли ҳаётга мослашиб бормoқда, масалан ижтимоий тармоқларда. Бирок унинг рақамсизлигини бошқа томондан кузатиш мумкин. Демос, Ўзбекистон контекстида олсак, замонавий илғор жамиятлар, яъни демослардан анча орқада қолган десак хато бўлмайди.

Таъбир жоиз бўлса, шу пайтгача Ўзбекистондаги демократияни азалдан “уйқудаги малика”га ўхшатиш мумкин эди. Бугун бизда уни “уйқудаги” эмас, балки “мудроқ малика” деб таъриф берсак бўлади. Мудроқликдан иккита йўл бор: ё қайта уйқувга, ё уйғонишга. “Совет синдроми”, масалан, сайловлар мисолида кузатилиши мумкин: фуқаролар сайловларга жалб қилинади, овоз беради, сайловлар ўтганидан сўнг эса ҳудди 5 йиллик “сиёсий танаффус” эълон қилинади, яъни улар сиёсатга қизиқмайди ва унда иштирок этишдан бош тортади.

Шу билан бирга биз онлайн ва офлайн маконлар орасида мавжуд масофани ҳамда келувчи-қайтувчи тўлқинларни ҳам, ўзаро ўтишларни ҳам кузатишимиз мумкин. Онлайн маконда турли сиёсий қарашлар, ижтимоий тармоқдаги баҳс-мунозаралар, танқидий фикрлар, қизиқарли янги таклифлар ва ҳатто троллар жамиятини кўрамиз. Унда либераллар, миллатчилар, популистлар, глобалистлар, экологлар, минтақашунослар, ёш фаоллар ва бошқалар ўз сиёсий қарашларини намойиш этишяпти. Яқинда Адлия вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида янги Кодекс лойиҳасини эълон қилди ва онлайн даражада унинг муҳокамаси бошланди. Буларнинг ҳаммасини рақамли демократиянинг биринчи аломатлари деб баҳоласа бўлади.

Офлайн маконда эса анъанавий тарзда одамлар сайловдан сайловгача кўпинча носиёсий ва нодемократик ҳаётини давом этмоқда: айрим ҳокимларнинг ўз ваколатларини суистеъмол қилиши; айрим фаол ва мустақил журналистларга нисбатан таҳдидлар бўлгани; телевидениедаги эшиттиришларнинг ура-урабозлиги; жойлардаги хўжақўрсинга ташкил этилган тадбирлар; тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши; кадрлар танлашдаги хатолар; порахўрлик каби ҳабарларни кўп эшитиш мумкин.

Ўтган йил декабр ойида бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайловларни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ўз якуний ҳисоботида танқидий баҳолаб, хусусан шундай хулосага келган: “Умуман олганда, партия ва номзодлар ўз рақиблари билан ҳаққоний рақобатга киришмади... Сайловчилар овозини санаш жараёни 43 фоиз ҳисоботларда салбий баҳоланди... Сиёсий плюрализм даражасининг чекланганлиги, хусусан чинакам сиёсий муҳолифатнинг мавжуд эмаслиги 2019 йилдаги сайловлар фарқи сиёсий дунёқарашдаги партиялар ўртасида ҳақиқий беллашув бўлмаганини англатади”[12].

Буларнинг ҳаммаси нодемократик тизимдан қолган иллатлардир, аммо шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳар бир ислохотларни олиб бораётган давлатларда бўлганидек, бизда ҳам ислохотларни қабул қилаолмаётган, уларга қаршилик қилаётган ёки уларни тушунмаётган бефарқ раҳбарлар ва мутасаддилар йўқ эмас. Бу тоифадаги инсонларни ва кучларни қайсидир маънода сиёсий “луддитлар” деб таърифлашади. Луддитлар XIX аср бошида Англияда тартибсизликларни келтириб чиқарган, чунки улар саноат инқилоби олиб кирган технологик янгиликлар, яъни машиналар ишлаб чиқаришдан одамларни сиқиб чиқаришни бошлади ва натижада ишсизлик даражаси ошди. Эътирозлар кўпинча кўча тўпалонлари ҳамда машиналар ва ускуналарни синдиришда намоён бўлди. Кейинчалик, луддизм сўзи умуман ҳар қандай технологик инновацияларни қабул қилмаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш ҳаракатларини ифода этувчи атама сифатида қўллана бошлаган.

Шунинг учун сиёсий луддизмни мавжудлигини инкор этмаслик керак. Орқага тортувчи кучлар билан илғор кучлар орасида доим кураш бўлади, бу диалектика қонуни. Шундай экан фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, фикрлар ҳурфикрлиги, танқид қилиш маданияти, очиқ баҳслар нафақат онлайн маконда, балки офлайн маконда кўпроқ талаб қилинади, агар биз демократияни тезроқ ўрнатишни ва уни мустаҳкамлашни истасак.

Демократия назарийчиларидан яна бир ёрқин намоёндаси Йозеф Шумпетер ўзининг мумтоз асарида “яратувчи бузиш” (constructive destruction) атамасини киритиб у орқали муҳим бир ходисани тасвирлаган, яъни: бу индустриал мутация бўлиб, унда узлуксиз равишда иқтисодий таркибда эски тузилишни бузувчи ва янги тузилишни яратувчи ички инқилобий жараён содир бўлади. Бу “яратувчи бузиш” капитализмга ҳос бўлган муҳим фактдир[13]. Мана шу яратувчи бузиш чоғида сиёсий консерваторлар ва сиёсий ислохотчилар ҳамда кузатувчилар, бефарқ фуқаролар, иккиланувчилар ва бошқалар пайдо бўлиши табиий ҳолдир.

Маълумки, шу кунларда Ўзбекистонда давлат идораларида ўзбек тилини ишлатиш масаласи бўйича кўп баҳслар бўлмоқда. Бу масалага чуқурлашмаган ҳолда, у билан боғлиқ фақат бир жараёнга эътиборни қаратмоқчиман. Америкалик сиёсатшунос Женифер Муртазашвилининг қуйидаги кузатуви қизиқарлидир: “Илк бор Ўзбекистонда ўзбек тилининг жамиятдаги роли ҳақида мураккаб ва мазмунли мунозаралар олиб бориш учун сиёсий макон мавжуд. Уларни миллий ТВда ёки газеталарда афсуски кузатмаяпмиз. Уларни Telegram каналларида, Facebook саҳифаларида ва ривожланиб бораётган интернет медида кўриш мумкин. Бу интернетда пайдо бўлаётган жонли жамоат майдонида ўзбек фуқаролик жамиятининг ноодатий ўсишидан далолат бермоқда”[14].

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, умуман, ҳозирги босқичда Ўзбекистон ёш демократиясига полиархия, партисипатор ва делибератив хусусиятлари етишмайди, деб ўйлайман. Демократлаштиришда виртуал ҳаётдан оддий ҳаётга ва оддийдан виртуал ҳаётга ўзаро ўтишларни уйғунлаштириш бугунги кунда долзарб ҳам илмий, ҳам сиёсий масала бўлиб қолмоқда.

ХУЛОСАЛАР.

Етиб олувчи демократия тамойилига нисбатан савол қўйсақ бўлади: Етиб олармикин? То ўзбек демократияси замонавий илғор демократиялар даражасига етиб боргунча ушбу илғор демократияларни ўзи қандай қиёфага кирар экан? Ахир улар бизни пойлаб ўтирмайдику... Шу ўринда учта хулоса билдирмоқчиман.

1) Давлатчилик ривожининг янги босқичига ўтган сари, яъни ўтиш даври тугагани сари, сиёсий тизим ва давлат олдида янги/эски вазифалар пайдо бўлмоқда. Шу ўринда электорат, фуқаролик жамияти масаласининг ҳам маъно-моҳияти жиддий ўзгариб боради. Аммо буларнинг ҳаммаси анъанавий демократия вазифаларидир. Биз ҳали анъанавий дилеммаларни тўла ҳал қилмадик, бу: шаҳар-қишлоқ, индивидуализм-жамоавийлик, саноат ишлаб чиқариш-барқарор ривожланиш, либерализм-патернализм, эркинлик-тартиб, миллий демократия-универсал демократия моделлари каби дилеммалардир.

2) Ижтимоий муносабатлар XXI асрда бутун дунёда янгича тус олмоқда. Шу нуқтаи назардан, сиёсий қарашлар ва манфаатлар ҳам тобора мураккаблашиб, келувчи-қайтувчи тўлқинлар туфайли ўзгарувчан характерга эга бўлади. Биз демократик жараёни жадаллаштиришимиз керак, чунки биз тасаввур қилган замонавий демократия индустриал инқилоб даврида ривож топган бўлиб, унинг ўзи ҳам дунёда ўзгариб бормоқда, чунки информацион замонда инсониятнинг (демоснинг) ҳаёти рақамлашиб боради, жумладан, давлатнинг қиёфаси ва бошқарув услублари ҳам. Ўзбекистон бу жараёнда орқада қолмаслиги керак.

3) Пандемия даврида Zoom дастури орқали дунё бўйича миллионлаб одамлар эндигина турли конференциялар, суҳбатлар, учрашувлар, тадбирлар ўтказишга киришганда ану шу Zoom дастури хакерлар ҳужумига мубтало бўлди ва одамлар ҳақида “катта маълумотлар” Zoom орқали ўғирланиш ҳавфи туғилди [15]. Бу рақамли демократия ё рақамли диктатуранинг аломатими, деган очиқ савол билан мақолани тугатмоқчиман.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Polyarchy. Political Science <https://www.britannica.com/topic/polyarchy>
- [2] “The failure of presidential democracy. Comparative perspective”, edited by Juan Linz and Arturo Valenzuela (The Johns Hopkins University Press, 1994), P.96.
- [3] “The failure of presidential democracy. Comparative perspective”, edited by Juan Linz and Arturo Valenzuela (The Johns Hopkins University Press, 1994), P.40.
- [4] Харари, Ю.Н. 21 урок для XXI века. – Москва: «Синдбад». – 2019. – С.94.
- [5] Там же. – С.82.
- [6] Yascha Mounk. “Why the New Autocrats Are Weaker Than They Look”, in Foreign Affairs, September/October 2019, https://www.foreignaffairs.com/articles/world/2019-08-12/dictators-last-stand?utm_medium=newsletters&utm_source=twofa&utm_content=20190830&utm_campaign=TWOFA%20083019%20The%20Dictators%27%20Last%20Stand&utm_term=FA%20This%20Week%20-%20112017
- [7] Huntington, S. The Third Wave. Democratization in the Late Twentieth Century. (University of Oklahoma Press, 1993), P.15.
- [8] Huntington, S. The Third Wave. Democratization in the Late Twentieth Century. (University of Oklahoma Press, 1993), P.35.
- [9] Толипов Ф. “Ориентализм ва Оксидентализм масалаларига назарий қарашлар. Ўзбекистон ва Марказий Осиёни ўрганиш муаммолари” / Шарқшунослик, №1, 2018.
- [10] <https://kun.uz/ru/news/2020/05/07/dlya-otsenki-uchastiya-v-yeaes-uzbekistan-privlek-bcg-i-institut-gaydara> , 07/05/2020.
- [11] Харари, Ю.Н. 21 урок для XXI века. – Москва: «Синдбад». – 2019. – С.71.
- [12] Ўзбекистон Республикаси парламент сайловлари 22 декабрь 2019 йил ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг якуний ҳисоботи. <https://www.osce.org/ru/odhr/elections/uzbekistan/452797> 13.05.2020.
- [13] Schumpeter, Joseph A. “Capitalism, Socialism and Democracy”. (London: Routledge), P. 139. (1994) [1942]. ISBN 978-0-415-10762-4. Retrieved 23 November 2011.
- [14] Jennifer Murtazashvili. “The role of Russia and the Russian language in post-Karimov Uzbekistan”, Atlantic Council, June 1, 2020, <https://www.atlanticcouncil.org/blogs/new->

atlanticist/the-role-of-russia-and-the-russian-language-in-post-karimov-uzbekistan/?fbclid=IwAR2pOIibScoih8qyzO_4n32Wq7rZza8mQwmI-e95abGZeqK3Cm4rLreI5fY [15] «Зумбомбинг», утечки и ФБР: как Zoom стал жертвой собственной популярности в эпоху пандемии
https://forbes.uz/process/technologies/zumbombing_utechki_i_fbr_kak_servis_videochatov_zoom_stal_jertvoy_sobstvennoy_populyarnosti_v_epohu_pandemii/?utm_source=forbes&utm_medium=mlt_articles , 10/04/2020.

**KONSENSUS
XALQARO JURNALI**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONSENSUS**

№2 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000